

УДК: 911.8; 911.5

*Дехқонов Бегали Мухаммедович,
«География» кафедраси катта ўқитувчиси
Андижон давлат университети
Андижон, Ўзбекистон*

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ЕР ФОНДИ ВА УНДАН
Фойдаланишнинг Агроэкологик Хусусиятлари
(“ДИЛРАБО” ДЕХҚОН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ МИСОЛИДА)**

Аннотация: Ушбу мақолада Андижон вилоятининг қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишдаги мавжуд агроэкологик масалалар ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган экин ер майдонларидан самарали фойдаланиш масалалари ёритилган. Кузатув таҳлил натижалари асосида ер ресурсларидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ландшафт, агроландшафт, адир ландшафти, ер фонди, фермер хўжалиги ерлари, агроэкологик, сизот сувлари, зовурлар, сув эрозияси, шўрлашган экин майдонлари, қишлоқ хўжалик ерлари иммунитет, жарликлар.

*Дехконов Бегали Мухаммедович,
Старший преподаватель кафедры «География»
Андижанский государственный университет
Андижан, Узбекистан*

**АГРОЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ЗЕМЕЛЬНОГО ФОНДА
И ЕГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ В АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ
(НА ПРИМЕРЕ ФЕРМЕРСКОГО ХОЗЯЙСТВА "ДИЛРАБО")**

Аннотация: В данной статье рассматриваются актуальные агроэкологические вопросы использования земель сельскохозяйственного назначения Андижанской области и эффективного использования

пахотных земель, используемых в сельском хозяйстве. На основе результатов анализа наблюдений были разработаны рекомендации по совершенствованию использования земельных ресурсов.

Ключевые слова: *ландшафт, агроландшафт, адырный ландшафт, Земельный фонд, сельскохозяйственные угодья, агроэкологические, подземные воды, обрыв, водная эрозия, засоленные поля, иммунитет сельскохозяйственных земель, овраги.*

Dekhkonov Begali Mukhammedovich,
Senior teacher of the Department " Geography»
Andijan State University
Andijan, Uzbekistan

AGROECOLOGICAL FEATURES OF THE LAND FUND AND ITS USE IN THE ANDIJAN REGION

(ON THE EXAMPLE OF THE FARM "DILRABO")

Abstract: *This article covers the current agroecological issues in the use of agricultural lands of Andijan region and the effective use of arable land used in agriculture. On the basis of the results of the observation analysis, recommendations were developed to improve the use of land resources.*

Key words: *landscape, agrolandshaft, low mountain landscape, Land Fund, agricultural land, agroecological, sizot waters, trenches, water erosion, saline fields, agricultural land immunity, ravines.*

Кириш. Андижон аҳолиси зичлиги, Ер ресурслари чекланганлиги билан Республикада ўзига хос хусусиятга эга вилоятлиги билан ажралиб туради. Андижон вилояти ер фонди 430.3 минг га. тенг бўлиб қишлоқ хўжалик ерлари вилоят ер фондининг 58.3 % и (250.8 минг га)ни ташкил этади. Унинг 201.7 минг гектари суғорилиб, деҳқончилик қиладиган ўзига хос агроландшафтлар ҳосил қилинган. Бугун мазкур агроландшафтларнинг агроэкологик хусусиятларини атрофлича ўрганиш, уларда хўжалик ишларини амалга ошириш учун долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Айниқса, деҳқон фермер хўжаликлари фаолиятида уларни эътиборга олиш ва амалиётда қўллаш жуда муҳим аҳамаиятга эгадир [5].

Асосий қисм. Қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган маданий ландшафтлар айрим манбаларда (В.А.Николаев,1979, 1984; Е.В.Миланова, А.М.Рябчиков, 1979; А.Г.Исаченко,1980) агроландшафтлар ёки агроландшафт тизимлари, яъни “агроландшафтлар–худуднинг катта қисмидаги табиий ўсимликлар агроценозлар билан алмаштирилган ерлар” (Н.Ф.Реймерс, 1990) деб аталиб, вилоят ҳудуди учун ҳам жуда характерлидир. Вилоятнинг суғориб деҳқончилик қиладиган ерларида агроландшафтлар барпо этилган [1].

Андижон вилоятида 2019 йилнинг январ–декабр ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибий тузилишида фермер хўжаликларининг улуши 33.0 фоизни, деҳқон хўжаликларида 65.4 фоизни ташкил қилган. Қишлоқ хўжалиги экинлари экилган жами майдони барча тоифадаги хўжаликлар учун 217.3 минг га., шу жумладан фермер хўжаликлари 177.3 минг га., деҳқон хўжаликлари 27.8 минг га., қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар 12.2 минг га.ни ташкил этади.

1 жадвал

Андижон вилоятида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи ердан фойдаланувчиларнинг ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибий тузилишидаги улуши

№	Номи	Қишлоқ хўжалиги экин майдони (минг га.)	Қишлоқ хўжалиги экин майдони (фоизда)	Маҳсулот умумий ҳажмига нисбатан улуши (фоизда)
1	Барча тоифадаги хўжаликлар	217.3	100	100
2	Фермер хўжаликлари	177.3	81.6	33

3	Дехқон хўжаликлари	27.8	12.7	65.4
4	Қишлоқ хўжалигини амалга оширувчи ташкilotлар	12.2	5.7	1.6

Берилган маълумотлардан вилоятда фермер хўжаликлари экин майдонлари катта бўлгани холда, маҳсулот ҳажмидаги улуши жуда паст даражадалиги намоён бўлади (1 жадвал) [2].

Андижон вилоятида Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг (448.97 минг км²) 0.96 фоизини эгаллагани холда (4.3 минг км²), аҳолининг (3127.7 минг киши) 9.2 фоизи истиқомат қилади. Андижон вилояти аҳоли зичлигига кўра Республикада олдинги ўринда туриб, ҳозирда 1км² га тўғри келувчи аҳоли сони Республика ўртача кўрсаткичи(75.5 киши)дан деярли ўн баробарга кўп яъни 727 кишига тўғри келади [3].

Аҳоли эҳтиёжи учун озиқ-овқат маҳсулотлари, иқтисодиёт тармоқлари учун зарур хом ашё асосан қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган экин ер майдонлари ҳисобига етиштирилади, шундай экан уни ривожлантириш бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Юқоридаги ҳолатлар вилоят ер ресурсларидан фойдаланишда геоэкологик жиҳатдан ёндашиб, такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Вилоят табиати ўзига хос геоэкологик хусусиятларга эга. Иқлими мўътадил, йиллик радиация 1 см.кв. юзага 130–133 ккал, ёғинлар ҳам фасллар давомида нотекис тақсимланган бўлиб, ўртача йиллик 200–250 мм.ни, вегетация даври 220–230 кунни ташкил этади. Рельефи шарқ ва жануби шарқ адирлардан иборат, ғарбда нисбатан текис, нишоблик шарқдан ғарбга йўналган. Қир ва тепаликлар яққол ифодаланган.

Юқоридаги табиатининг имкониятлари ер ресурслардан қишлоқ хўжалигида самарали фойдаланишда ҳудуднинг адир ва текислик зонасида жойлашганлиги, офатли қора совуқлар, сел, дўл ёғиши, кучли шамоллар, ер ости сувлари сатҳининг ер юзасига яқинлиги, шўрлашиш каби тўсқинлик қилувчи омиллар салбий таъсир кўрсатмоқда.

1973 йилнинг 26 декабрида ташкил топган Улуғнор тумани умумий майдони 356.7 кв. км., аҳоли сони 58.1 минг киши этиб, вилоятнинг ғарбий қисмида Язёвон чўлларида жойлашган. Шарқда вилоят туманларидан Бўстон ва Балиқчи, ҳамда ғарбдан Фарғона, Наманган вилоятлари билан чегараланади. Улуғнор тумани ташкил этилиши жиҳатидан ёш туманлиги қаторида табиатининг хусусиятлари, аҳолининг жойлашуви, ер ва сув ресурсларидан фойдаланишдаги муаммолари билан ҳам ажралиб туради.

Туманда ёз куруқ иссиқ асосан ёғинсиз, июль ойининг энг юқори ҳарорати $+40, +42^{\circ}\text{C}$, қиш ҳам нисбатан куруқ январь ойининг ўртача ҳарорати $+1; -1^{\circ}\text{C}$ атрофида, йиллик ёғин миқдори 190-200 мм., ёғин асосан баҳор ойларига тўғри келади. Ҳудуди табиатининг инжиқликлари ер ости суви сатҳининг ер юзасига яқинлиги, тупроқлар шўрланиш даражасининг юқорилиги иқтисодиёт соҳарига айниқса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчи тармоқларга салбий таъсир этади [4]. Жумладан, Вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси маълумотларида Улуғнор туманида жами экин ерлари 01.01. 2019 йил ҳолатига 20775 га.ни ташкил этган бўлса, 01.01.2020 йил ҳолатига 20762 га. ни ташкил этиб, фойдаланилмайдиган ерлар мос равишда 10871 га.дан 10884 га.га етгани намоён бўлади. Улуғнор туманида ҳосилдорликни ошириш учун доимий равишда ер ва тупроқ ресурсларидан оқилона фойдаланиш, зарурий ирригация ва мелиоратив тадбирларни олиб бориш талаб этилади, акс ҳолда пандемия шароити таъбири билан айтганда қишлоқ хўжалик ерлари иммунитетини пасайиб қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетиши мумкин.

Худуд агроэкологиясини яхшилашда, қишлоқ хўжалиги ерлари иммунитетини кўтаришда ирригация ва мелиоратив тадбирларининг аҳамиятини Улуғнор туманида жойлашган “Дилрабо” деҳқон фермер хўжалиги амалиёти мисолида кўриш мумкин.

Унга кўра: " 60 гектар майдон пахта экини учун ажратилган бўлиб, йиллик ҳосил бир неча йил 18 центнердан ошмади. 2017 йилда пахта майдонининг ўрта қисмидан сизот сувларини қочириш учун зовур мақсадида эни 3м узунлиги 500 м, жами 1,5 гектар (2.5 фоиз) ер ажратилади. Бунинг ҳисобига ҳосилдорлик 4-5 центнерга ортди, натижада йилни фойда билан яқунланди. Ҳосилдорлик аввалги ҳолда $60 \times 18 = 1080$ эди майдондан зовур ўтказгандан кейин $58.5 \times 22 = 1287$ етиб 20 фоизга ортди, ҳамда пахта дала майдонининг марказий қисмларидаги шўрлашган ерлар мелиоратив ҳолати нисбатан яхшиланди, умумий 200 центнер кўп ҳосилга эга бўлинди" Бу бир мисол ҳолос, лекин бундай шўрлашаётган майдонлар Улуғнор туманининг жами экин майдонининг катта қисмини ташкил этади, айниқса дала майдонларининг чекка қисмларидаги зовур қазилганда чиқариб ташланган лойқа ва унинг остида қолаётган экин майдонлари, захкаш ерлардаги ҳар бир дала экин майдонида ўрта ҳисобда 0,5 га.ни ташкил этади. “Дилрабо” фермер хўжалиги мисолида каби 60 га. экин майдонида ҳосилдорлик 200 центнерга ортса, Улуғнор тумани жами экин майдони 20762 гектарда 69206 центнер кўшимча ҳосил олиш имконини беради. Бу ўз ўрнида даромад ва ялпи ҳосилнинг ортишидир.

Вилоят ер ресурслари ва кадастри бошқармаси маълумотларига кўра 2020 йил январь ойи даври ҳолатига вилоятда ишдан чиқаётган, ер майдонлари 319 га.ни, фойдаланилмайдиган ерлар 121302 га. ташкил этади. Барча ирригация ва мелиорация тадбирларини амалга ошириш маблағ талаб этади, аммо сақлаб қолинган ер ресурслари, қишлоқ хўжалиги ерлари майдонларидан келажакда фойдаланиш эвазига олинадиган

даромад ва геоэкологик нуқтаи назардан баҳоланса харажатларни камида 10 баробарга оқлайди.

Адир ландшафт учрайдиган Қўрғонтепа, Жалолқудук, Хўжаобод, Марҳамат, Асака туманларида сув эрозиясига учраган, сув ювиб кетган экин майдонлари кўплаб топилади.

Давлатимиз раҳбари 2021 йил 18 март куни Тошкент вилоятининг Чиноз туманига келиб сув хўжалигида амалга оширилаётган ишлар билан танишди ва сувдан фойдаланиш юзасидан зарур топшириқларни берди.

Экин майдонларини сув эрозияларидан сақлаб қолиш учун Муҳтарам Президентимиз Ш.М. Мирзиёев илгари сураётган томчилаб суғориш усулига ўтишимиз зарур бўлади ва натижада ерни эрозиядан сақлаш билан бирга сувни тежаб иқтисодиётни янада ривожланишига эришамиз.

Сув емирган адир ландшафтидаги дала майдонларига текислик, асосан чўл, чала чўл ландшафтидаги зовурлардан олиниб зовур ён бағрига ётқизилиб ерни банд қилаётган тупроқ қатлами олиб келиб ётқизилса, ер ресурслари, қишлоқ хўжалиги ерлари майдонини сақлаб қолишга эришилади.

Хулоса: Вилоятда қишлоқ хўжалик ерлари шўрланиши, эрозиясига жиддий ёндашиб оқилона фойдаланиш, экин майдонларида ирригация ва мелиорация ишларини олиб бориш зарурияти мавжуд. Андижон вилояти демографик салоҳияти хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳудуднинг нисбатан кичиклиги вилоятда ер ва ер ресурсларидан, айниқса қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни такомиллаштиришни талаб этади.

Ўрганиш ва тадқиқот таҳлилларидан келиб чиқиб қуйидаги чора тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади:

1. Вилоятда қишлоқ хўжалик ерларидан ер ости сувларининг сатҳини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш;

2. Шўрлашган ва шўрлашиш ёқасидаги қишлоқ хўжалиги ерларида зовур қазиш ишларини жадаллаштириш;
3. Тупроқ хусусиятларига мос, эрозияга чидамли экин турларини экиш;
4. Ҳар бир экин майдони кадастр маълумотларини ўрганиб, қатъий мониторинг олиб бориш;
5. Қазилган зовур чиқиндилари билан яқин адир минтақаларидаги ҳосил бўлган жарликларни тўлдириш ҳисобига экин майдонлари ҳажмини ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Андижон вилояти статистик ахборотномаси. Андижон -2020.
2. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Статистик материаллари Тошкент. 2020.
3. М.Мамажонов. Андижон географияси. Тошкент: Академнашр,2018
4. Т.А.Мадумаров. М.Мамажонов, А.Ш.Маматюсупов, А.Исаев. Андижон вилояти ўлкашунослик атласи. Тошкент, 2015.
5. Н.Ф. Реймерс. Природопользование: Словарь-справочник.-М.:Мысл, 1990